

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**455 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги ПҚ–1604-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги ПҚ–1604-сон қарорини ба-жариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги ПҚ–1604-сон қарорига му-вофиқ 2011 йил 1 сентябрдан бошлаб ташқи иқтисодий фаолият соҳасида тегишли рухсат берувчи тартиботлар бекор қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор ва-зирликлар ва идоралар билан биргаликда:

2011 йил 1 ноябргача биржа ва ярмарка савдоларида тузилган экспорт ва импорт контрактларини киритиш ва уларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш учун модул иш-лаб чиқсин;

2011 йил 1 ноябрдан бошлаб «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» очиқ акциядорлик жамиятига, Республика универсал агросаноат биржаси» масъулияти чекланган жамиятга, «Халқ истеъмол товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси маркази» ёпиқ акциядорлик жамиятига ва «O'zbekiston yarmarkasi» очиқ акциядорлик жамиятига, кейинчалик респуб-ликада янгидан ташкил этилаётган барча биржаларга ва ярмарка ташкилот-ларига биржа ва ярмарка савдоларида тузилган экспорт ва импорт контракт-лари бўйича Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизи-мига кириш имконини берсин.

3. «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» очиқ акциядорлик жамияти, Республика универсал агросаноат биржаси» масъулияти чеклан-ган жамият, «Халқ истеъмол товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси мар-кази» ёпиқ акциядорлик жамияти ва «O'zbekiston yarmarkasi» очиқ акция-дорлик жамияти, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, 2011 йил 1 ноябрдан бошлаб Ташқи савдо операцияларининг ягона элек-трон ахборот тизимида уланишни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарор-ларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

5. Вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 20 октябрь,
284-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 20 октябрдаги 284-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 мартдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Импорт операциялар бўйича контрактларни ҳисобга олиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Валюта маблағларидан фойдаланиши устидан назорат Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими маълумотлари асосида амалга оширилади»;

б) 4-банд, «Импорт битишувлар паспортини расмийлаштириш» бўлими ва 6 — 16, 22, 24-бандлар, 1 ва 2-иловалар, Низомга 3-илованинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 17-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтирилаётган товарларни божхонада расмийлаштириш тугаллангандан кейин божхона хизмати томонидан тасдиқланган Товарлар келтириш карточкаси (3-илова) импорт қилувчи корхонага берилади»;

г) 18-банддаги «Паспортни ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 20-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

е) 21-банддаги «Паспортлар ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 23-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«ёки импорт қилувчи корхона тугатилганда»;

з) Импорт контрактини ҳисобга олиш ва унинг ҳаракатини назорат қилиш Схемасида (Импорт операциялар бўйича контрактларни ҳисобга олиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга илова):

2-банддаги «Битишув паспортини расмийлаштириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

3-банддаги «Битишув паспортини тасдиқлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

6-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Товар келиб тушганда божхона хизмати (божхона пости) Товарлар келтириш карточкасига товар келтирилганлиги тўғрисида белги қўяди»;

7-банддаги «Битишув паспортини ҳисобдан чиқариш» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 6 майдаги 223-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 5-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржалари савдоларида импорт контрактлари тузиш тартибида, 2011 йил 1 ноябрдан бошлаб:

а) 8-банддаги «ва импорт битишуви паспорти» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 9-банд чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 92-модда) билан тасдиқланган Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва ташқи савдо операцияларининг божхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 4-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Валюта назорати бўлими тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва рад этиш учун асос мавжуд бўлмаган тақдирда контрактга импорт контрактларини рўйхатга олиш журнали бўйича тартиб рақами беради ҳамда божхона хизматининг ваколатли мансабдор шахси томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган контрактни қайтаради»;

в) 6-банднинг иккинчи ва учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

г) иловадаги «Импорт битишув паспортини расмийлаштириш ҳамда» сўзлари чиқариб ташлансин.